



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (12.583)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2014 йил — Соғлом бола йили

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Соғлом бола йилида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, фарзандларимизда, айниқса, қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш бўйича жамиятимиз олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Бундай долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда давлат ташкилотлари билан бирга мамлакатимиздаги жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жамоат ташкилоти томонидан айни пайтда аёллар, оилалар ва болаларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, уларнинг жамиятимиздаги ислохотларда фаолигини кучайтириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг камровли чора-тадбирлар ҳаётига татбиқ этилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни янада кучайти-

риш, саломатлигини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига хотин-қизларни кенг жалб қилиш, хотин-қизлар кўмиталарининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг корхона, ташкилот, муассасалар, таълим, тиббиёт масканлари, маҳаллалар ва бошқа тизимларда қирқ бир мингга яқин бошланғич ташкилотли маевуд. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника бошланғич ташкилоти уллардан биридир. Ушбу ташкилот оилавий поликлиникада меҳнат қилаётган уч юз эллик нафарга яқин хотин-қизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда самарали фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ТАШЛАМОҚДА»

Жумладан, «Ҳиндистон-МДХ» савдо-саноат палатаси ҳамраиси, доктор Б.Мадукар дунёнинг қатор мамлакатлари глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири оқибатларидан ҳамон қутула олмаётган бир пайтда Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён ялли ички маҳсулот ўсиши ҳамда барқарор равишда 8 фоиздан зиёд кўрсаткични ташкил этиб келаётгани хусусида тўхталди. Унинг таъкидлашича, жуда катта эътиборга сазовор бўлган бундай ўсиш мамлакатда иқтисодий ислохотлар нақадар изчил ва жаддал билан амалга ошириляётганидан далolat беради.

Ўзбекистонда эришилётган иқтисодий муваффақиятлар Президент Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсатнинг меваси эканини эълон қилишда таъкидлашни истар эдик, — деди Б.Мадукар «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотларда икки жиҳат ҳамisha менинг эътиборимни ўзига тортиб келган: бири давлат томонидан олиб бориладган фаол ижтимоий сиёсат бўлса, иккинчиси саноатни ривожлантириш борасидаги изчил саясий-ҳаракатлардир.

Бундан атиги 20 йил аввал аграр мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда бугунги кунга келиб нафақат машинасозлик ва металлани қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати, энгил ва

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий, илмий-академик ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўзининг аксодосини бермоқда.

озик-овқат саноати ривожланмоқда, балки телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси, уяли телефонлар, турли маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги, замонавий корхоналар ташкил топмоқда. Албатта, буларнинг барчаси ўз меваларини бермоқда. Шу боис бугун мамлакат ялли ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 24 фоиздан зиёдга етиб қолган. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ўзининг ёрқин келажаги сари дадил қадамларни ташламоқда.

Ўзбекистон Президентининг маърузаси билан танишган киши юртингда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилганини яқол кўради, — деди Калыкутдаги Мавлоно Алам Озод номдаги Осийни тадқиқ қилиш институтининг илмий ходими Анита Сенгупта. — Унда банк тизими, саноат, қишлоқ хўжалиги, инвестиция, хизмат кўрсатиш, банд-

лик масаласи ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ўтган йилда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинган баробарида янги йилдаги устувор вазифалар ҳам белгиланган. Шу жиҳатдан мазкур маърузани муҳим дастурий ҳужжат, деб аташ лозим, деб ўйлайман.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани юртингда бундай фаолият билан шугулланиш учун етарли имкониятлар яратилганини аниқлади. Президент Ислам Каримов маърузасида айтилганидек, бугунги кунга келиб ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилган бозор хизматларининг қарий барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодий тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улшига тўри келаётгани диққатга молик далиллардир. «Жаҳон» АА Дехли

АҚШДА ЙИРИК ТЎҒОН ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саяй-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январида АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектлари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осий тараққиёт банки, Осий ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги тақлифларни қўллаб-қувватлашни қонуний тақиқлади.

АҚШ қонунчилиги ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши билан тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий оқибатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалага ойдинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар айниқса тоғли шaroитларда янада мураккаб туш олиб, қўллаб соҳаларида олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

Шу боис экология ташкилотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур нормалар кенг қуламли экологик, техноген ва ижтимоий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишоратдир.

Марказий Осий минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини барпо этишга йўл қўймайлик ғоят долзарб масалалардир. Чунки сўнгги йилларда минтақанинг асосий трансгеографик дарёлари — Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида хали собиқ тузум даврида қурилиши режалаштирилган йирик гидроэлектр станциялар, жумладан, Роғун ГЭС ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфи томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги қувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бутун минтақа учун узоқ муддатли фалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига киради. Бу Марказий Осийда жиддий экологик фалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат етказишига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қур-

ғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар руй бериши, экин майдонларининг шурланishi ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, аҳолининг бу ердан оммавий кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ худудларда эса аҳвол бундан-да мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам — совет даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мутолақ жавоб бермайдиган лойиҳалар ва нормалардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли zilzilалар ва мураккаб тектоник ўпирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган худудда дунёдаги энг банд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Роғун тўғони қурилиши мўлжалланган жой кучли туз қатламидан иборат бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида тузлар аста-секин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиши эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар куйи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши ва бошқа сон-саноксиз фожия оқибатларга олиб келади.

Трансгеографик дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқаро мустақил экспертиза ўтказиш, зарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйича барча манфаатдор мамлакатлар билан келиши зарурлиги ҳақида аниқ талаблар белгиланган тегишли конвенциялари (1997 йилги Атроф-муҳитга таъсири баҳолаш тўғрисидаги конвенция, Трансгеографик сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва уллардан фойдаланиш бўйича конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги конвенция) талаблари ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамлакат парламенти ва ҳукуматининг мазкур масала юзасидан қатъий позициясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти йирик тўғонлар ва гидроэлектрстанциялар қурилиши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етаётганидан яна бир қарра далolat беради.

Бу қарор Марказий Осийда йирик тўғон ва гидроэлектрстанциялар қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интиляётганларни хушёр тортириши дароқ.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтлари Марказий Осий минтақасида асосий инвесторлар экани инобатга олинадиган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарашга ундайди, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишниш мўқобил йўллариға эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратеди. Зеро, муаммони ҳал этишниш мўқобил йўллариға экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

С.ЖИГАРЁВ,
«Гидролояиҳа»
институти директори



• Андижонда пиллачилик ва ипакчиликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, пиллани қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

• Навоий шаҳрида улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий маънавий меросида қомил инсон тарбияси мавзусига бағишланган аънавий республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда ёшлар томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари, бадий чикишлар ҳамда шоир газалларидан намуналар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

• Наманган муҳандислик-технология институтида янги инновацион лойиҳа асосида яратилган қурилма синовдан муваффақиятли ўтди. Унинг амалиётга татбиқ этилиши пахта хомашесини қуришти учун сарфланадиган иссиқлик қувватини икки ярим, электр энергияси сарфини қирқ фоизга камайтиради. Шунингдек, қуришти жараёни унча юқори бўлмаган ҳароратда амалга оширилиши натижасида толанинг шикастланиш даражаси амалдаги 25 фоиздан 8-9 фоизга тушади.

• Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Молия қасб-хунар коллежида «Ёшлар — диний экстремизмга қарши» мавзусида, шунингдек «оммавий маданият» ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда бандлигини таъминлашга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

• Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Сантехийғмажиҳоз» МЧЖ қошида ташкил этилган цехда 7 хил ўлчамдаги ярим овал, тўғри бурчакли полимер-мармар ванналар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Корхонада 7 нафар кишининг доимий иш билан бандлиги таъминланди.



• Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли АҚШнинг жанубий ва жануби-шарқий худудидаги Жоржия, Алабама, Миссисипи, Луизиана, Шимолий ҳамда Жанубий Каролина штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

• Хитойда мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта мактаблар ҳамда қасбга ўргатувчи ўқув масканлари худудида тамақа маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилиш ман этилди. Янги тартиб олий таълим масканларига ҳам тааллуқли бўлиб, фақат уларда чекиш учун очик ҳавода маҳсус жойлар ташкил қилишга рухсат берилади.

• Машхур италиялик уста Страдивари томонидан XVIII асрда тайёрланган ва АҚШ симфоник оркестрининг энг моҳир созандаси Фрэнк Алмондага доимий фойдаланишга топширилган қимматбаҳо скрипканинг талончилар қўлига тушганлиги маълум қилинди. Гап шундаки, оқшом чоғи Алмондага электр шок аппаратига эга талончи хужум қилиб, қимматбаҳо скрипкани тортиб олган ва шериги бошқараётган автомобилга ўтириб жуфтқариш ростилашга муваффақ бўлган.

• Индонезиянинг Ява оролида ер кўчиши натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони 19 нафарга етди. Керакли анжомларнинг етишмаётганлиги бедарак йўқолган ва ҳалок бўлган деб ҳисобланаётган кишиларни излаб топишда қийинчилик туғдирмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви 2013 йилги фаолияти яқунлари ва истиқболдаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Ахмедов ва бошқарув Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар жараёнида маҳалланинг маънави ва нуфузидан тавола охириги, уларни қўллаб-қувватлаш, самарали фаолияти учун зарур шароит ва имкониятлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йилда янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Қарори фуқаролар йиғинларининг жамиятимиздаги маънавий янада ошириш, фаолиятини яхшилаш, маҳалла тизими ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»-ги Қарори фуқаролар йиғинлари ходимларининг касб ва бошқарув малакасини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдам ташкил этишда дастуруламал бўлмоқда.

2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида янги тахрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масла-

ҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги қонун асосида ўтказилган сайловларда муқобиллик, ошкоралик тамойилларига қатъий риоя этилгани таъкидланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини янада яхшилаш, маҳалла ҳудудларини ободонлаш-

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

тириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллалар ҳудуди ҳамда табарруқ зиёратгоҳларини ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш мақсадида минглаб мевали ва манзарали дарахт, гул қўчатлари экилди. 372 болалар майдончаси қурилди, 902 болалар майдончасида таъмирлаш, 1 минг 203 майдончада ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 95 янги маҳалла гузари қурилиб, фуқаролар йиғинларига 3015 компьютер жамламаси, 2112 мебель жиҳозлари топширилди.

Давлат дастури доирасида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида олий ўқув юрларида таълим олаётган

262 нафар ногирон ҳамда ота-онасиз талабанинг шартнома пули тўлаб берилди, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 2 минг 489 нафар фарзанди қонунлаштирилди оромгоҳларида бепул дам олдирилди. Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйларидаги 2 минг нафардан ортиқ фуқаро ва тарбияланувчи қийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» ва «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги қонунларининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича маҳаллаларда мунтазам тарғибот ишлари амалга оширилди. Оила институтини янада мустаҳкамлаш, никоҳ муносабатлари маданиятини ошириш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, «Соғлом она — соғлом бола» тамойили мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш бўйича ижтимоий лойиҳалар, турли акция ва тадбирлар ташкил этилди.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига тўлиқ қамраб олиш, коллежни тамомлаган ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган фуқаролар йиғини расми, профилактика инспектори ва таълим муассасаси раҳбарлари билан биргаликда жойларда доимий равишда ота-оналар билан тушунтириш ишларини ташкил этишга фонд томонидан услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Йиғилишда жамоат ташкилотининг 2014 йилдаги муҳим устувор вазифалари муҳокама этилиб, соғлом бола тарбиясида масъулиятни янада ошириш, қизларнинг билим ва касб-хўнар эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳ, оилавий низоларнинг олдини олиш, маросимларни ихчам ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, ёшларни турли тўғрақларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ»НИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) фаолияти ва уни ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Тадбирда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасининг масъул ходимлари, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали Президентимиз Ислому Каримов томонидан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрда қабул қилинган «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳисобига олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, 2013 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали базасида «ягона ойна» режимида ишга туширилган.

Матбуот анжуманида «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази директорининг биринчи ўринбосари Ф.Саидалиев Ягона интерактив давлат хизматлари портали мамлакатимизда «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мантқиқий давоми эканини таъкидлади. Порталнинг ташкил этилиши натижасида электрон шаклда маълумотлар алмашиш йўлга қўйилди, сўровларни расмийлаштириш жараёни тезлашди, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик самаралорлиги ошди.

Айни пайтда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уч юзга яқин давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари уланган. Улар томонидан аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига юздан ортиқ интерфал хизматлар кўрсатилмоқда.

Порталда фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига пор-

тал орқали мурожаат қилиш мумкин. Етти ой давомида Ягона портал орқали 6 мингдан зиёд мурожаат — жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклиф ва шикоятлари жўнатилди.

Бир неча кун муқаддам Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўриб чиқилган ўз ҳуқуқ ва манфаатлари бўзилаётгани ва уларни ҳал этишга етарлича эътибор берилмаётгани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига бевосита мурожаат қилиш имконига эга бўлди. Ушбу янги хизмат мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларининг асоссиз чўзилиши, кредит ёки ер участкаларини ажратиб туришни бузилиши, корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ўринсиз текшириш ва улар фаолиятига ноқонуний арашувлар ҳамда бошқа шу каби муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Матбуот анжуманида Ягона порталнинг 2013 йилнинг июль ойида фойдаланишга топширилган ахборот-маълумотнома хизмати фаолияти ҳам муҳокама этилди.

Мутахассислар истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўз юритди. Масалан, Президентимиз Ислому Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгиланган берган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида яқин вақтлар ичда Ягона портал орқали лицензия ва ружсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва бошқона расмийлаштируви бўйича интерфал шаклда хизмат кўрсатишга ўтлади.

Матбуот анжуманида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг жорий ҳолати, уни янада ривожлантириш ва аҳоли эҳтиёжларига асосланган ҳолда истиқболда янги интерфал давлат хизматларини жорий этиш масалалари тахлил қилинди. Мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарди.

Сардор ТОҶИЕВ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур оилавий поликлиника тиббиётнинг замонавий йўналиши — оила шифокори тизимига самарали фаолият юритаётган. Пойтахтимиздаги етакчи тиббиёт муассасаларидан. Қирқ мингдан кўпроқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган тиббиёт масканида ўттиз нафардан ортиқ умумий амалиёт шифокори ва ўнга яқин йўналиш бўйича мутахассислар, патронаж ҳамширалар аҳоли са-

биқ этиш, инсон манфаатларига йўналтирилган илоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, жумладан, хотин-қизларга етказиш борасида қўллаб тушунтириш-тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда, таълим масканларида ташкил этилган «Ораст қизлар» тўғрақлари фаолиятини такомиллаштириш, бу йўналишда тўлган илғор тажрибани оммалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётган.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ломатлигини муҳофазалаш бўйича иш олиб бормоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти иш режасида жамоада ишлаётган аёллар улар кулай меҳнат шaroити яратиш баробарида ҳудудда истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур оилавий поликлиникада она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашга оид изчил чора-тадбирлар белгиланиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тўғруқ ёшдаги хотин-қизлар, болалар ва ўсимирлар ўртасида тиббий кўриклари юқори савияда ташкил этишда «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида ўрнатилган УЗД, ЭКГ, рентген аппарати, лаборатория-тахлил жиҳозлари ва бошқа воситалардан самарали фойдаланилмоқда.

Изчиллик билан олиб борилаётган бундай ишлар аҳолининг тиббий хизматдан баҳрамандлигини ошириш, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз салоҳиятини намойён этишига қўлай шароит яратишга хизмат қилаётган. Бунини ушбу бирламчи тиббиёт маскани хизмат кўрсатаётган ҳудудда кейинги йилларда оналар ва болалар ўлими қайд этилмагани, юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида сезиларли натижаларга эришилаётганидан ҳам қўриш мумкин.

Тиббиёт муассасасида амалга оширилаётган изчил ишларда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур бошланғич ташкилот томонидан кенг қамровли тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ўз вақтида ҳаётга тат-

Эришилаётган бундай ютуқлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти — 2013» республика кўрик-танловига муносиб эътироф этилди. Оилавий поликлиниканинг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти «Энг намунали тиббиёт муассасаси хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

— Юртбошимиз раҳнамолигида аёлни, онани эъзозлаш, унинг оила ва жамиятдаги маънавий юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз салоҳиятини намойён этиши учун барча шароитларни яратишга қаратилган доимий эътибор бизни янада фаоллик билан ишлашга undайди, — дейди ЎЗА мухбирига 35-оилавий поликлиника хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Саида Маҳкамова. — Ана шундай эътибордан руҳланиб, мамлакатимиздаги тинчлик ва ободлик, ҳалқимизнинг саломатлигини таъминлашда, барча соҳада амалга оширилаётган улкан ишларда ўрнак бўлаётган оилавийларимизнинг сафи тўбора кенгайиб бормоқда. Соғлом бола йили аҳоли саломатлиги йўлида фаол иш олиб бораётган тиббиёт ходимлари, хусусан, бизнинг бошланғич ташкилотимиз зиммасига ҳам улкан вазифа ва масъулият юклайди. 2014 йилда бу борадаги зағу ишларимиз кўлимини янада кенгайтириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш борасидаги лойиҳаларни изчиллик билан давом эттиришга эътиборимизни янада қучайтирамиз.

Баҳор ХИДИРОВА

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси бўлиши давлат қўмитасининг Аналитик назоратга ихтисослашган Давлат инспекцияси (АНИДИ) ходимлари билан учрашув ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан АНИДИ раҳбари ўринбосари Акмал Сидиков АНИДИда фуқароларнинг мурожаатларига жиддий эътибор берилиши, келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар рўйхатдан ўтказилиб, ижроси назоратга олинishi, муаллифларга белгиланган муддатдан кечиктирмасдан жавоблар юборилиши ва раҳбариятда мунтазам равишда бу соҳа бўйича масъул ходимларнинг ҳисоботлари эшитиш борилиши йўлга қўйилганини таъкидлади. Ҳафтада 2 марта Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси бўлиши давлат қўмитаси раҳбарларининг ходимларни қабул қилишининг белгиланган тартибда ташкилот фаолиятининг тартибли олиб борилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси прокурори Алишер Минғобоев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрлари асосида «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун-

лар ижроси юзасидан амалга оширилаётган прокурорлик назорати ва вазифалари» мавзусидаги маърузасида қайд этилганидек, Ўзбекистон демократик давлат қуриш жараёнида ўз сийосатини давлат тузилмаларининг жамоат ташкилотлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш асосида олиб бормоқда. Бу борада ўзини-ўзи бошқариш тизимлари фаоллиги орқали фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари, мурожаатларига эътибор қучайган, пировардда, улар асосида жойлардаги ижтимоий-сийсий, иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига эътибор ошган, ҳар бир мурожаатнинг ижроси бўйича муддат, масъули белгиланиб, ишни ташкил қилишга эришиш йўлидаги фаолият доимий диққат-эътиборда.

Маърузачи фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда қонунларга риоя қилиш, бирорта ҳам қонун бузилиши ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслик ва мамлакатимизнинг

фаровонлиги йўлида қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларидан ҳар биримиз бохабар бўлишимиз муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

«ЭКОСАН» ХЖФ бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев табиати муҳофазаси қилиш энг муҳим ва ҳаётий зарур бўлган, долзарб ва кенчириб бўлмайдиган вазифалардан саналишига доим эътиборини қаратган Юртбошимизнинг сый-ҳаракатлари туғайли дийримизда атраф-муҳит барқарорлигини сақлашга давлат сийосати даражасида қаралиб, ушбу масалаларга жиддий эътибор берилётганини таъкидлаб, «ЭКОСАН» ўзининг Мақсадли дастури доирасида аҳолининг турли қатламлари ўртасида экологик саводхонликни ошириш, атраф-муҳитга нисбатан маданиятли бўлиш ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи учун ҳар бир фуқаронинг иштирокига эришиш, муруватпарварлик ишларини амалга ошириш борасида кенг қўламли фаолият олиб бораётганини қайд этди.

Анжуман давомида фуқаролар мурожаатига эътиборли бўлиш орқали атраф-муҳит муҳофазасига доир чора-тадбирларни амалга ошириш учун мониторингнинг Миллий тизимини такомиллаштириш орқали устувор вазифалар ижросига эришиш мумкинлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

(Ўз мухбиримиз)

Бектемир тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликнинг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»-ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликнинг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»-ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Бектемир туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан кейинги матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш қунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча румсумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина, асбоб-ускуналарни йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибинини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча румсумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига йиғиш; техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга ружсат беришнинг ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма қўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик; мулкдор қўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ кўриқдан ўтказилаётган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин; техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хайтов): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Саидмахмудов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими С.Махаметов

2014 йил 9 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲАФТАЛИ «ЛЕД» АСТРАЛР

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Замин гаройиботлари»
Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орузи»
8.00 «Тахлиннома»
8.40 «Сут эмизувчилар ҳаёти»
Х/ф.
9.30 «Орган – дарё»
9.55 «Иклим»
10.00 «Комиссар Рекс»
10.50 «Сехри қалам»
11.00 «Ахборот»
11.10 «Бурлар замини»
11.10 «Ватанпарвар»
11.55 «Иклим»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У»
13.30 «Иклим»
13.35 «Хаммаси ҳаёт ҳақида»
14.00 «Ахборот»
14.15 «Хидоят сари»
14.35 Миллий сериал: «Вақт қадри»
15.10 «Иклим»
15.15 «Ўзбекистон»
16.30 «Тараққиёт дастури»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Куларнинг бирида»
17.25 «Эркин фикр»
17.35 «Андерсен эртақлари»
М/с.
18.00 «Кўнгил қўшиқ истаиди»
18.15 «ТВ – шифокор»
18.20 «Кетма»
18.40 «Рухшунос»
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Навоий бустонидан»
20.10 «Бурлар замини»
21.00 «Ахборот»
21.40 «Муносабат»
22.10 «Кўнгил қўшиқ истаиди»
22.25 «Доктор Хаус»
